

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING АЖРИМИ

2025 йил 18 март куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

раислик қилувчи: Т.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Ф.Сиддиқова ва Х.Сотволдиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Эшматовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Эрматов, судланган ОТнинг ҳимоячиси М.Паёзованинг иштирокида, ОТга оид жиноят ишини уни ҳимоячисининг тафтиш тартибидаги шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра:

ОТ, 1995 йил 23 апрелда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, ишламаган, муқаддам: 1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 14 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, 2016 йил 12 октябрда амнистия актига асосан жазодан озод қилинган, Фарғона шаҳар, “*****” кўчаси 73-уйда яшаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан 5 йил, 105-моддасининг 1-қисми билан 1 йил, 59-моддасига асосан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 11 декабрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, ОТ 2014 йил 5 июль уни соат 24:00 ларда укаси ОТдан телефон орқали уни ўртоқлари ураётгани ҳақидаги ҳабарни эшитиб, яшаш хонадондан бир дона ошхона пичоғини олиб, Фарғона шаҳар, Маориф кўчасига келиб, шу ерда турган вояга етмаган ОИни олдига бориб, кўлидаги совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ошхона пичоғи билан унинг жағ қисмига баданининг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлган тан жароҳати, бундан ташқари, шу ерда бўлган вояга етмаган



ДИнинг ҳам юз соҳасига қасддан бир маротаба қўли билан уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказганликда айбли деб топилган.

Судланган ОТнинг ҳимоячиси тафтиш шикоятда, ОТ қилмишига тўлиқ иқроп ва пушаймонлиги, оилавий шароити оғирлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканини инобатга олиб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Иш Ўзбекистон Республикаси ЖПК 521²-моддасига кўра, жазони ўташ муассасасида бўлган маҳкум ОТнинг иштирокисиз кўрилди.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Вахобовнинг маърузасини, прокурор М.Эрматовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи М.Паёзованинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукми ва апелляция инстанцияси ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, ОТнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганликдаги айби ўзининг суддаги айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар вояга етмаган ОИ ва ДИнинг қонуний вакиллари иштирокидаги, шунингдек, гувоҳ ОО, МА суддаги кўрсатувлари, шунингдек, хабарномалар, аризалар, нарсани олиш ва кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, суд-тиббий, судга оид совуқ қурол экспертизаси хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди ва 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд қарорларида баён этилган хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлиб, ушбу ҳолатлар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Тафтиш инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан ОТга жазо тайинлашда, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг қилмишига иқроп ва пушаймонлиги, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга



олиш билан бир қаторда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир этиш усулини, жиноятни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этганини ва жабрланувчиларнинг қонуний вакилларининг қонуний жазо тайинлаш ҳақидаги талабларини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг энг кам миқдорларини жиноятлар мажмуи бўйича тайинлаб адолатли хулосага келгани сабабли шикоятдаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важлар билан келишмади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси ОТга оид суд қарорларини ўзгартириш ва бекор қилишга асослар мавжуд эмаслиги сабабли суд ҳукми ва апелляция инстанцияси суди ажримини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси томонидан келтирилган тафтиш тартибидаги шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ОТга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2024 йил 28 октябрдаги ҳукми ва Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 11 декабрдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибида берилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.Вахобов

Ҳайъат судьялари

Ф.Сиддиқова

Х.Сотволдиев



Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

/имзо/
/имзо/
/имзо/

Т.Вахобов
Ф.Сиддиқова
Х.Сотволдиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

Т.Вахобов



Ҳужжат имзоланган: Ваҳобов Тохиржон Зафарович, 22.03.2025

